

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САРИМСАКОВ БАХТИЁР РАХМОНЖАНОВИЧ**

**КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ҒЎЗАПОЯЛАРНИ ЭЗИБ-  
БЎЛАКЛАЙДИГАН ТИШЛИ ҒАЛТАГИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелiorация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелiorация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САРИМСАКОВ БАХТИЁР РАХМОНЖАНОВИЧ**

**КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ҒЎЗАПОЯЛАРНИ ЭЗИБ-  
БЎЛАКЛАЙДИГАН ТИШЛИ ҒАЛТАГИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Саримсаков Бахтиёр Рахмонжанович**

Комбинациялашган агрегатнинг гўзапояларни эзиб-бўлаклайдиган тишли  
галтаги параметрларини асослаш ..... 3

**Саримсаков Бахтиёр Рахмонжанович**

Обоснование параметров зубчатого катка комбинированного агрегата  
измельчающего стебли хлопчатника..... 19

**Sarimsakov Bakhtiyor Rakhmonjanovich**

Basing the parameters of the gear reel of combined aggregate that crushing the  
stalks..... 34

**Эълон килинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 37

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т1667 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Худаяров Бердирасул Мирзаевич</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тўхтакузиев Абдусалим</b> техника фанлари доктори, профессор
	<b>Худояров Анвар Назиржонович</b> техника фанлари номзоди, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Исом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» июнь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (170 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» июнь кuni тарқатилди.  
(2021 йил 15.03 № 57 рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**У.Т. Кузиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, PhD., доцент

**А.А. Ахметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тупрок унумдорлигини оширишга йўналтирилган юқори самарадорликка эга технологиялар ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё микёсида 886,3 млн. гектар майдонда кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, уларнинг 34,6 фоиз қисмида эса тупрокни химоялайдиган минимал ва ноль технологиялар ҳамда уларни амалга оширадиган техника воситалари жорий этилганлигини<sup>1</sup> ҳисобга олсак, гўзапояли даладан бир ўтишда гўзапояларни майдалаб, янги пушта ва эгатлар ҳосил қилиш орқали ерни экишга тайёрлайдиган илгор технологиялар ва техника воситаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пахтадан бўшаган далаларга ишлов беришда ресурстежамкорликни таъминлайдиган самарали техника воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда гўзапоядан органик ўғит сифатида фойдаланиш учун уни далада майдалаб кетишнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пуштадаги гўзапояларни юлиб олмасдан, уларни агрегатнинг ҳаракат йўналиши бўйича ётқизиб, эзиб-бўлаклайдиган самарали техника воситасини яратиш, технологик жараёнини асослаш, унинг гўзапоя ва тупрок билан таъсирлашиш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан гўзапояларни юлиб олмасдан жойида эзиб-бўлаклайдиган содда конструкцияли ишчи қисмли агрегатни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни тежаш, кишлок хўжалиги экинларини илгор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли кишлок хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» нинг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари қисмида иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган кишлок хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш йўналишида «... кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори кишлок хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, гўзапояни юлиб олмасдан жойида майдалайдиган қурилмани ишлаб чиқиш

<sup>1</sup> <https://www.zerno-ua.com/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежам-корлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўзапояларни майдалаш ва улардан органик ўғит сифатида фойдаланиш масалалари ва майдалаш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ишчи қисмлари параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар R.A. Kerper, R.Bainer, E.L. Barger (АҚШ) ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда Е.Вяловский, Д.А. Сабинин, Ф.А. Скрябин, А.А. Яшева, Г.И. Яровенко, А.Г. Шалимов, А.М. Капланов, М.С. Ганиев, Н.А. Куламетов, Б.М. Иминджанов, Ф.М. Маматов, Б.Дехқонов, Дж.Алижанов, А.Худояров ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Кўрсатилган тадқиқотлар натижалари асосида ғўзапояларни майдалаб далага сочиш учун яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланиб келинмоқда. Аммо бу тадқиқотларда ғўзапояларни ердан юлиб олмасдан, турган жойида майдалайдиган самарали ишчи қисмга эга бўлган агрегатларни яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-065-2015 «Республикамиз фермер хўжаликлариди пахта - бугдой, бугдой (арпа)-чорва озуқа экинлари, бугдой-сабзавот (картошка) ва полиз экинлари алмашлаб экиш тизимларида ҳамда интенсив боғ ва токзорлар қаторлар орасига янги сув – энергия – ресурстежамкор технологияларни ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини яратиш ва жорий қилиб йилига 1,5-2,0 маротаба юкори, арзон, сифатли ҳосил етиштириш, фермерликни ривожлантириш» (2015-2017) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гўзапояларни юлиб олмасдан уларни пушта юзасига ҳаракат йўналиши бўйича ётқизадиган ва эзиб-бўлаклайдиган тишли галтак параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тишли галтак ишининг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган гўзапоя ва тупрокнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

тишли галтак параметрларини гўзапоя морфологиясига мослаб асослаш;

тишнинг параметрларини гўзапояларни эзиб-бўлаклаш жараёни бўйича асослаш;

гўзапояларни эзиб-бўлаклаш кучини лаборатория қурилмасида аниқлаш ва назарий кўрсаткичлар билан қиёслаш;

тишли галтак билан гўзапояларни эзиб-бўлаклаш жараёнининг дала синовларини ўтказиш, унинг агротехник ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гўзапоя морфологияси, гўзапоя ва пушта тупрогининг физик-механик хоссалари, галтак тиши ва унинг гўзапоя билан таъсирлашиш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** гўзапояларни ётқизиш, уни эзиб-бўлаклайдиган тишли галтакнинг иш жараёнини ифодалайдиган математик моделлар ва унинг параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлар, тишли галтакнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг параметрларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида математикавий ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, тишли галтак таъсирида гўзапоянинг эзиб-бўлаккланиш даражасини аниқлаш, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пуштадаги гўзапояларни юлиб олмасдан, уларни агрегат ҳаракати бўйича ётқизиш бир йўла эзиб-бўлаклайдиган тишли галтакнинг технологик иш жараёни асосланган ва конструкцияси ишлаб чиқилган;

тишли галтакнинг диаметри унга гўзапояларни ўралиб қолмаслиги, иш кенглиги эса пушта юзаси текис қисмининг энини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

гўзапояларни эзиб-бўлаккланганлик даражасининг юқори кўрсаткич-ларини таъминлаш асосида галтак тишлари сони, баландлиги ва қалинлиги радиуси аниқланган;

агрегат таянч гилдиракларига тиш ўрнатиш ва уларни гўзапояли пушта юзасида ҳаракатлантириш ҳисобига гўзапояларни эзиб-бўлаклаш ҳамда, агрегат массасидан тик юкланиш сифатида фойдаланиш асосида сарфланадиган энергияни тежаш аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пуштадаги гўзапояларни юлиб олмасдан агрегат ҳаракати бўйича ётқизиш бир йўла эзиб-бўлаклайдиган тишли галтак ишлаб чиқилган;

тишли ғалтак ўрнатилган комбинациялашган агрегат фермер хўжаликларида қўлланилганда унинг бир ўтишида ғўзапояларни эзиб-бўлаклаш ва улар қўмилганда эса тезроқ чириш имкони яратилади ва энергия ва ресурслар сарфининг камайишига эришилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, пуштадаги ғўзапояларни юлиб олмасдан бир йўла ётқизиб эзиб-бўлаклайдиган ишчи қисмнинг параметрларини назарий тадқиқ этишда олий математика, назарий ва деҳқончилик механикасининг асосий қонун-қоидаларига асослаганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, ишлаб чиқилган тишли ғалтак билан жиҳозланган агрегатнинг дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзапояларни юлиб олмасдан пуштага ётқизиб бир йўла эзиб-бўлаклайдиган ишчи қисмнинг талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишларни бошқа шунга ўхшаш ишчи қисмларнинг параметрларини асослашда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ишчи қисм ўрнатилган агрегат қўлланилганда ғўзапояларни юлиб олмасдан пуштага ётқизиб бир йўла эзиб-бўлаклаш технологик жараёни сифатли бажарилишини таъминланиши, ёнилги ва умумий харажатларнинг камайиши ва иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Комбинациялашган агрегатнинг ғўзапояларни эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтаги параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзапояларни юлиб олмасдан пуштага ётқизиб бир йўла эзиб-бўлаклайдиган ишчи қисмли агрегатга дастлабки талаблар ва техник топшириқ тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 октябрдаги 02/023-3572-сонли маълумотномаси). Натижада ғўзапояларни жойида эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтакли агрегат конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган.

пуштадаги ғўзапояларни ётқизиб эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтакли комбинациялашган агрегат Бекобод ва Наманган туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 октябрдаги 02/023-3572-сонли маълумотномаси). Натижада ғўзапоялардан органик ўғит сифатида фойдаланиш учун уларни майдалашда иш унуми ошган, сарфланадиган умумий фойдаланиш харажатлари 1,22 мартадан кўпроққа камайган.

пуштадаги ғўзапояларни ётқизиб бир йўла эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтак билан жиҳозланган агрегатнинг лойиҳа конструкторлик ҳужжатлари «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ



хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 октябрдаги 02/023-3572-сонли маълумотномаси). Натижада гўзапояларни эзиб-бўлаклайдиган ишчи қисмли комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро микёсдаги ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг ҳолати ва тадқиқотлар вазифаси**» деб номланган биринчи бобида гўзапояларни кўмишнинг тупроқ хоссалари ва унумдорлигига таъсири бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган. Гўзапояларни майдалаш технологиялари ва техника воситалари, гўзапояларни эгилтириш, қирқиш ва эзиб – бўлаклаш техника воситалари ва шу йўналишда мамлакатимиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган ҳамда улар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Гўзапоя ва пушталар тупроғининг физик-механик хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида гўзапояларнинг морфологияси, гўзапоя поясининг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, шунингдек пушта профили ва унда гўзапояларни жойлашуви ҳамда гўзапояли дала пушта тупроғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.


Ўтказилган дала синовлари натижалари бўйича гўзапоянинг баландлиги, уларни эзиб-бўлаклаш даврида 80-120 см орлигида бўлади. Ён шохларининг сони 6-12 та ва улар асосий пояга нисбатан 35-65° бурчак остида жойлашган. Гўзанинг илдиз бўғзи ўсиш даврининг охирида пуштанинг юзасида 7-9 см чуқурликда жойлашади ва диаметри 7,0-15,2 мм гача ўзгаради. Гўзапояларни йиғиштириш даврида унинг намлиги бўғзида 67 % ни 80 см баландликда эса

15,6 % ни ташкил этди. Ғўзапояларни йиғиштириш даврида пушта юзасининг, кўндаланг текислик бўйича кенлиги 18-22 см оралиғида ўзгаради. Намлиги 60 % дан юқори бўлган ғўзапоя бўғзининг зичлиги  $0,7-0,8 \text{ г/см}^3$  оралиғида бўлиб, у пушта юза қатлами тупроғининг зичлигидан кичик эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Ғўзапояларни эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтак параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотларнинг натижалари» деб номланган учинчи бобида ғўзапояли далаларда тагига майдаланган ғўзапоялар кўмилган янги пушталар ва эгатлар ҳосил қилиш технологияси, таклиф этилган технологияни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг схемаси, тишли ғалтак ишига қўйиладиган агротехник талаблар, тишли ғалтак билан ғўзапояларни эгилтирилиши, тишли ғалтакнинг тишлари сонини аниқлаш, тишли ғалтак тиши таъсирида ғўзапояни эзилиши бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ғўзапояли далаларда пушта олишнинг янги технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди (1-расм). Комбинациялашган агрегат рама 1, осма қурилма 2, йўналтиргич 3, тишли ғалтак 4, лемех 5, шнек гилофи 6, шнек 7, пушта олғич 8, ростлаш механизми 9, занжирли узатма 10 ва гидромотор 11 лардан ташкил топган, келтирилган барча қисмлар умумий рама 1 да жойлаштирилган.

Комбинациялашган агрегат билан янги пушта ва эгатлар ҳосил қилиш технологик жараёнлари қуйидагича амалга оширилади: пуштадаги ғўзапоялар йўналтиргич 3 ёрдамида унинг ўрта қисмига йўналтирилади. Тишли ғалтак 4 эса уларнинг агрегат ҳаракати йўналиши бўйича эгилтириб, пушта юзасига ётқизади ва тишлари билан эзиб-бўлаклайди. Лемех 5 эзилган ғўзапояларни илдизи ва тупроғи билан юлиб шнекка узатади. Шнек 7 эзиб-бўлакланган ғўзапоя ва тупроқ аралашмасини силжитиб, ён эгат ўрта қисмига жойлаштиради. Пушта олғич 8 эса мавжуд пуштанинг пастки қисмини иккига



1-расм. Комбинациялашган агрегат схемасининг параметрлари

ажратиб, мос ҳолда ўнг ва чап томонлардаги аралашма устига ташлайди. Натижада мавжуд эгат ўрнида тагига майдаланган гўзапоя жойлаштирилган янги пушта ва мавжуд пушта ўрнида эса янги эгат ҳосил бўлади.

Мазкур тадқиқотлар комбинациялашган агрегат таркибидаги тишли ғалтак параметрларини асослашга бағишланди. Чунки таклиф этилаётган технология гўзапояларни эзиб-бўлаклаш жараёнидан бошланади.


Тишли ғалтак бўйича олиб борилган тадқиқотлар, унинг диаметри, кенглиги, тишлари сони, тишларининг ўлчамлари ва тиғи кўндаланг кесимининг шакли ҳамда тишли ғалтакка тушадиган тик юкланиш миқдори каби параметрларини асослашга бағишланган.

Тишли ғалтак билан гўзапояларга таъсир этиш бўйича назарий тадқиқотларни олиб боришда қуйидагилар қабул қилинди:

- тишли ғалтак ҳаракати давомида сирпанмасдан ва шатаксирамасдан думалайди;

- ҳаракатланиш жараёнида агрегатнинг илгариланма ва тишнинг чизикли тезликлари ўзаро тенг, гўзапоя ётқизилган юза текис ва қаттиқ.

Дастлаб тиш тиғи ёйсимон бўлганда гўзапояни эзиб-бўлаклаш учун талаб этиладиган тик юкланиш миқдори аниқланди.



2-расм. Тишли ғалтак тишининг шакли ёйсимон бўлганда гўзапояга таъсир этадиган кучларни аниқлашга доир схема

Тиш тиғининг ихтиёрий  $a$  нуктаси  $Q_0$  тезлик йўналиши бўйича гўзапоянинг  $m$  заррасини нормаль  $Q$  куч бўйича босади. Нормаль  $Q$  кучни қуйидаги иккита: биринчиси  $a$  нуктанинг тезлик йўналиши бўйича  $Q_v$  ва иккинчиси тиғининг  $a$  нуктасига ўтказилган уринма бўйича йўналган  $Q_r$  ташкил этувчи кучларга ажратиш мумкин (2-расм). Шунингдек тиғ ёйи ва гўзапоя орасида  $F$  ишқаланиш кучи юзага келади ва у  $Q_r$  кучга тескари йўналган бўлади. 2-расмдан кўриниб турибдики,

$$Q_{\tau} = Q \operatorname{tg} \psi \quad (1)$$

$Q_{\tau}$  куч гўзапоянинг  $m$  заррасини ишчи сирти бўйича сирпанишга мажбур қилади. Уни сирпанишига эса  $F$  ишқаланиш кучи қаршилиқ кўрсатади. Гўзапоя  $m$  зарраси ҳаракатининг тавсифи  $\psi$  ва  $\varphi$  бурчакларининг ўзаро боғланишига боғлиқ. Жумладан  $\psi < \varphi$  бўлса, кучлар орасидаги боғланиш қуйидагича бўлади,

$$Q_{\tau} = Q \operatorname{tg} \psi < F_{\max} = Q \operatorname{tg} \varphi \quad (2)$$

(2) ифода бўйича гўзапоянинг  $m$  зарраси тиш тигининг ишчи сирти бўйича сирпанмайди. Чунки, уринма  $Q_{\tau}$  кучдан юзага келган  $F$  ишқаланиш кучи ўзининг максимал қийматига эришаолмайди ва реакция кучи сифатида уни ҳосил қилган кучга тенг бўлиб қолади, яъни  $Q_{\tau} = F$ . Ушбу ҳолатда икки куч ўзаро мувозанатлашади ва  $m$  зарра фақат битта  $Q_v$  куч таъсирида қолади. Натижада  $m$  зарра тиш тигининг  $a$  нуктаси билан бирга унинг абсолют тезлиги  $g_0$  бўйича ҳаракатланади, яъни гўзапоя эзилади (2-расм).

Агарда  $\psi > \varphi$  бўлса,  $Q \operatorname{tg} \psi > Q \operatorname{tg} \varphi$  эканлигидан  $Q_{\tau} > F_{\max}$  келиб чиқади. Бундай ҳолда ўзининг максимал қийматига эришган  $F_{\max}$  ишқаланиш кучи, уринма  $Q_{\tau}$  кучни мувозанатлаштираолмай қолади. Натижада гўзапоя эзилиши  $Q_v$  куч таъсирида содир бўлади, фақат зарраларининг сирпаниши  $Q_{\tau}$  ва  $F_{\max}$  кучларнинг айирмаси билан кузатилади, яъни  $Q_{\tau} - F_{\max} = Q(\operatorname{tg} \psi - \operatorname{tg} \varphi)$ .

Тишлар таъсирида гўзапоя фақат эзилибгина қолмасдан, балки узилиш ҳам содир бўлади, чунки гўзапоянинг пояси чўзилмайди, 2-расмдан кўриниб турибдики  $aC$  масофа  $aD$  га нисбатан узун. Бу ҳолат тишлар сонига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Гўзапоянинг муҳим физик-механик хоссаларидан бири, уни эзишга қаршилигини чегараси ҳисобланиб, одатда эзишнинг чегаравий кучланиши  $P_v$  ( $\text{Н/см}^2$ ) билан тавсифланади ва қуйидагича ифодаланади,

$$P_v = \frac{Q_{v\varphi}}{S} \quad (3)$$

бунда:  $S$  – тиш тигининг кўндаланг кесими юзаси,  $\text{м}^2$ .

Гўзапоя эзилиши учун, қуйидаги шарт бажарилиш лозим,

$$[P_v] < \frac{Q_{v\varphi}}{S} \quad (4)$$

(3) ва (4) ифодаларга асосан ва бир вақтда тиш билан таъсирда бўлган гўзапоялар сонининг ўртача қиймати ҳамда намлигини инобатга олиб топилди:

$$[P_v] < \frac{Q_v}{nS} \left( 1 + \frac{W}{100} \right) \quad (5)$$

ёки

$$Q_v > \frac{n \cdot [P_v] \cdot S}{\left( 1 + \frac{W}{100} \right)}, \quad (6)$$

бунда:  $S = \pi \cdot r \cdot b_r$  – тиш тиғининг гўзапояга таъсир этиш юзаси,  $m^2$ ;

$r$  – тиш тиғи ёйининг радиуси,  $m$ ;

$b_r$  – тиш тиғининг бир дона гўзапояга таъсир этиш кенглиги (гўзапоя оғирлик маркази диаметри бўйича),  $m$ ;

$n$  – тиш тиғи билан ўзаро таъсирда бўлган гўзапоялар сони, дона;


$W$  – гўзапоянинг намлиги, %.

Тиш тиғи ёйининг радиуси  $r=1,75$  мм,  $b_r=6$  мм ўлчамларида, намлик  $W = 39$  % ва  $[P_v]=3,5 \cdot 10^6$  Па ва  $n=10$  дона эканлигини ҳисобга олиб, (6) ифода бўйича ҳисобланганида гўзапояларни эзиш учун 830 Н куч талаб этилади.

Ҳисоблашларда  $\pi=3,14$ ,  $r=1,75-2,25$  мм,  $n=10$  дона,  $[P_v]=3,5 \cdot 10^6$  Па,  $b_r=6$  мм ва  $W=20 - 60$  % қабул қилиниб (6) ифода бўйича 3-расмдаги график қурилди.


3-расмдаги графикдан гўзапояни эзишга сарфланадиган куч унинг намлигига тўғри чизик қонунияти бўйича боғланганлигини кўриш мумкин. График таҳлили, гўзапоя намлигининг ошиб бориши билан уни эзишга сарфланадиган куч миқдорини камайиб боришини кўрсатмоқда.

(6) ифода бўйича ҳисоблашларда  $\pi=3,14$ ,  $r=1,75-2,75$  мм,  $n=10$  дона,  $b_r=6$  мм,  $[P_v]=3,5 \cdot 10^6$  Па ва  $W=20 - 60$  % қабул қилиниб 4-расмдаги график қурилди.



1-  $r=1,25$  мм; 2-  $r=1,75$  мм; 3-  $r=2,25$  мм

3-расм. Гўзапояни эзишга сарфланадиган кучни унинг намлигига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги



1-  $W=35$  %; 2-  $W=45$  %; 3-  $W=55$  %

4-расм. Гўзапояни эзишга сарфланадиган кучни тиш тиғи ёйининг радиусига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги

4-расмдаги график таҳлили, тиш тиғи ёйи радиусининг ошиб бориши билан уни эзишга сарфланадиган куч миқдорини ортиб боришини кўрсатмоқда. Гўзапояни эзишга сарфланадиган куч миқдори ва тиш тиғи ёйининг радиуси тўғри чизикли қонуният бўйича боғланган.

Тиш тиғи кўндаланг кесими ўткир бурчакли (5-расм) бўлганда (4) ифодани эътиборга олсак,


$$[P_v] < \frac{2Q_v}{\delta \cdot b_r \cdot n} \left( 1 + \frac{W}{100} \right) \quad (7)$$

$$\delta = h_1 \cdot \operatorname{tg} \beta \quad (8)$$

$\delta$  нинг (8) даги ифодасини (7) га қўйиб,

$$Q_v > \frac{[P_v] \cdot h_f \cdot b_r \cdot n \cdot \operatorname{tg} \beta}{2 \left( 1 + \frac{W}{100} \right)} \quad (9)$$


бунда:  $\delta$  – тиш тиғининг қалинлиги, м;  
 $\beta$  – тиш тиғининг ўткирлик бурчаги, градус.



**5-расм. Тиш тиғининг шакли ўткир бурчакли бўлганда ғўзапояга таъсир этадиган кучларни аниқлашга доир схема**


Тишнинг  $h_f=15$  мм,  $\beta=30^\circ$ ,  $b_r=6$  мм ўлчамларида, намлик  $W = 39\%$  ва  $[P_v]=3,5 \cdot 10^6$  Па ва  $n=10$  донга эканлигини инобатга олиб, (9) ифода бўйича ҳисобланганида ғўзапояларни эзиш учун 654 Н куч талаб этилади.

Ҳисоблашларда  $h_f=15$  мм,  $\beta=30-60^\circ$ ,  $n=10$  донга,  $b_r=6$  мм,  $[P_v]=3,5 \cdot 10^6$  Па ва  $W=20-60\%$  қабул қилиниб (9) ифода бўйича 6-расмдаги график қурилди.



1-  $\beta=30^\circ$ ; 2-  $\beta=45^\circ$ ; 3-  $\beta=60^\circ$

**6-расм. Тиш тиғининг шакли ўткир бурчакли бўлганда ғўзапояни эзишга сарфланадиган кучни намлигига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги**



1-  $W=35\%$ ; 2-  $W=45\%$ ; 3-  $W=55\%$

**7-расм. Ғўзапояни эзишга сарфланадиган кучни тиш тиғининг ўткирлик бурчагига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги**


6-расмдаги графикдан, ғўзапояни эзиш кучи ва намлиги тўғри чизикли боғланган, ҳамда намликни ошиб бориши билан эзиш кучини камайиб боришини кўриш мумкин.

3 ва 6-расмлардаги графиклар таҳлили, ғўзапоянинг намлигини ошиши эзиш кучини, тиш кўндаланг кесимининг шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда, камайиб боришига имкон яратаётганлигини кўрсатади.

(9) ифода бўйича ҳисоблашларда  $h_f=15$  мм,  $\beta=30-60^\circ$ ,  $n=10$  дона,  $b_f=6$  мм,  $[P_c]=3,5 \cdot 10^6$  Па ва  $W=35 - 55$  % қабул қилиниб 7-расмдаги график қурилди. 7-расм графиги, ғўзапояларни эзишга сарфланадиган кучни тиш тиғининг ўткирлик бурчагига ботиқ парабола қонунияти бўйича боғланганлигини кўрсатмоқда.

График таҳлили, ғўзапояларни эзишга сарфланадиган куч қиймати тиғнинг ўткирланиш бурчагини катталашиб бориши билан ошишини билдирмоқда. Шунингдек ушбу графикдан, тиш тиғи ўткирланиш бурчагининг кичиклашиб бориши, ғўзапояларни эзиш эмас, балки қирқишга олиб келишидан дарак беради. Бу ҳолат қуйилган мақсадга мос келмаслигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг «**Ғўзапояларни эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтак параметрларини асослаш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида лаборатория тажрибаларини ўтказиш дастури, шароити, лаборатория қурилмаси ҳамда тишли ғалтакга қўйиладиган тик юкланиш ва тиш тиғи шакли ва қалинлигининг ғўзапояни эзиб-бўлаклашга таъсири, дала шароитида тажрибаларни ўтказиш усули, тишли ғалтак ўқиға тушаётган тик юкланишни аниқлаш бўйича тажрибалар натижалари, экспериментларни математик режалаштириш усули орқали тишли ғалтак параметрларини мақбуллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.



8-расм. Ғўзапоянинг эзиб-бўлакланиш даражасини агрегат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги

Дала шароитида ғўзапояларни эзиб-бўлакланганлик даражасини агрегат тезлигига боғлиқлик графиги 8 – расмда келтирилган, ундан кўриниб турибдики, ғўзапояларни эзиб-бўлакланганлик даражаси агрегат тезлигини ортиши билан қоварик парабола қонунияти бўйича камаймоқда. Ушбу ҳолат агрегат тезлигининг ортиши билан тишли ғалтак тишлари ғўзапоя билан таъсирлашиш вақтини камайиши билан изоҳланади.

Ғўзапояларни эзиб-бўлакланганлик даражасини агрегат тезлигига боғлиқлигининг эмпирик ифодаси

$$Y = -1,59^2 + 13,79 + 32,2 \quad (R^2 = 0,9955) \quad (10)$$

бунда:  $Y$  – ғўзапояларни эзиб-бўлакланганлик даражаси, %.

Ўрганилаётган бир омилли эксперимент ва назарий тадқиқотлардан олинган натижалар асосида тишли галтак параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун кўп омилли экспериментни математик режалаштириш усулидан фойдаланилди. Бунинг учун гўзапояни тишли галтак таъсирида эзиб-бўлаклаганга таъсир кўрсатадиган қуйидаги муҳим омиллар танлаб олинди:

- галтак тиши тигининг қалинлиги ( $\delta$ ), м;
- агрегатнинг иш тезлиги ( $\vartheta$ ), м/с.

Танланган омилларнинг қийматлари, ўзгариш чегаралари жадвалда келтирилган.

**Жадвал.**


Омиллар ва уларни ўзгариш чегаралари

Белгиланиши	Тиш тигининг қалинлиги	Агрегатнинг ҳаракат тезлиги
	$\delta$ , мм	$\vartheta$ , м/с
	$X_1$	$X_2$
Юқори кўрсаткичи (+)	4,5	7
Асосий кўрсаткичи (0)	3,5	6
Пастки кўрсаткичи (-)	2,5	5
Ўзгариш оралиги	1	1

Эксперимент ўтказиш учун экспериментни режалаштиришнинг ортогональный центральный композицион ОЦКП-2 план-режаси танланди.

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида – гўзапояларни тишли галтак билан эзиб-бўлакланганлик даражаси белгиланди.

Эксперимент вариантлари устида тажриба ўтказиш, сонларнинг тасодифий жойлашиш жадвалидан фойдаланилган ҳолда тасодифий тартибда амалга оширилди. Бунда ўтказилган ҳар бир тажриба вариантлари 3 мартабадан такрорланди ва тегишли маълумотлар олинди.



1, 2 ва 3 мос равишда ( $X_2$ ) агрегат тезлиги -1 (5), 0 (6) ва +1 (7) км/ч бўлганда.

**9-расм. Гўзапояни эзиб-бўлаклаганлик даражасининг тиш қалинлиги ( $X_1$ ) га боғлиқ равишда ўзгариш графиги**

Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен мезонидан, регрессия тенгламалари коэффициентларининг қийматини баҳолашда Стьюдент мезонидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер мезонидан фойдаланилди.

Ҳисоблаб топилган регрессия тенгламаси коэффициентларидан статистик муҳим бўлмаганлари танлаб олинди.

Гўзапояларни эзиб-бўлаклаганлик даражаси ( $Y$ , %) бўйича

регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

Гўзапояни эзиб-бўлаклаганлик даражаси ( $Y$ , %)

$$Y = 62,656 + 6,617X_1 - 7,989X_2 - 3,150X_1^2 + 2,675X_1X_2 - 3,367X_2^2 \quad (11)$$

(11) регрессия тенгламаси бўйича қурилган график боғлиқликларнинг



(9-расм) таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, гўзапоянинг эзилиши тиш қалинлиги ( $X_1$ ) ортиши билан олдин орғиб борган, кейинчалик бу кўрсаткич камайган. Агрегат иш тезлиги ортиши билан гўзапоянинг эзиб-бўлакраниш даражаси камайган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган қийматларини аниқлашда (11) тенгламани ПК «Pentium IV» компютерида Excel дастурини «ечимни кидириш» амали бўйича  $Y$  мезон, яъни гўзапояларни эзиб-бўлакраниш даражаси максимал қийматга эга бўлиши шарти бўйича ечилди. Унга асосан тишнинг қалинлиги 3,5 мм (+0,51203), агрегат ҳаракат тезлиги 6,3 км/соат (-0,688) бўлиши лозим. Омилларнинг бу қийматларида гўзапояларни эзиб-бўлакраниш даражаси 68,17 % ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Комбинациялашган агрегат тишли ғалтагининг хўжалик синовлари натижалари ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобда комбинациялашган агрегат тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, тишли ғалтак билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат хўжалик синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, пахтадан бўшаган гўзапояли далаларда тишли ғалтак билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат қўлланилганда йиллик иш ҳажмини бажариш учун кетган фойдаланиш харажатлари 1,67 баробар камайиб, уни жорий қилишдан кутиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик 42465126 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Комбинациялашган агрегатнинг гўзапояларни эзиб-бўлаклайдиган тишли ғалтаги параметрларини асослаш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа докторлиги тадқиқотларини олиб бориш натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гўзапоялардан органик ўғит сифатида фойдаланиш учун гўзапояни майдалаб сочишга мўлжалланган махсус агрегатни далага кириб-чиқиши иқтисодий нуқтаи назардан ўзини оқламайдиган агротадбир ҳисобланади. Бу агротадбирни гўзапояни йиғиштиришдан олдинги ёки кейингисига қўшиб бажариш ресурстежамкорликка кўйилган талабларни бажаришга имкон яратади;

2. Гўзапоялардан ўғит сифатида фойдаланишни амалга оширишда уларни юлиб олиш, майдалаш кейин далага сочишдан кўра, агрегат ҳаракати бўйича пуштага ётқизиш ва бир йўла эзиб-бўлаклаш орқали бўлакчаларга ажратиб кўмишга тайёрлаш технологик жараёнлари осон ва арзон бажариш имкониятини яратади;

3. Гўзапояларни эзиб-бўлаклаш даврида уларнинг баландлиги 80-120 см, ён шохларининг сони 6-12 та, улар асосий пояга нисбатан  $35-65^\circ$  бурчак остида жойлашиб, бўғзи диаметри 7,0 – 15,2 мм ва намлиги эса 40-66 % оралигида ўзгаради;

4. Агротехник талаб даражасидаги гўзапояларни эзиб-бўлаклаш, тузилиши оддий ва металл ҳажми кичик, диаметри 400-470 мм, кенглиги 20 см ва тишлари сони 14 дона бўлган тишли ғалтак ёрдамида таъминланади;

5. Тишли ғалтакка тушадиган тик юкланиш 1815 Н дан кам бўлмаганда гўзапояларни эзиб-бўлаклаганиш даражаси 60 % дан юқори, гўзапоя пояси кесилган жойининг чуқурлиги унинг радиусидан катта бўлганлари миқдори 23% дан юқори бўлганда таъминланади;

6. Тишли ғалтак тишининг қалинлиги 3,5 мм, баландлиги 35 мм ва тиш тиғининг кўндаланг кесими шакли ёйсимон ҳамда агрегат тезлиги 6-7 км/соат бўлганда гўзапояларни кесилганлик ва эзиб-бўлаклаганиш даражалари ишлаб чиқилган агротехник талабларни бажариш имконини берди;

7. Техник-иқтисодий ҳисобларнинг кўрсатишича гўзапояли далаларда тишли ғалтак билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатни қўллаш меҳнат сарфини 1,8 ва фойдаланиш харажатларини 1,67 мартага камайтириш имконини беради. Битта агрегатнинг йиллик иқтисодий самарадорлиги 42465126 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**САРИМСАКОВ БАХТИЁР РАХМОНЖАНОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ЗУБЧАТОГО КАТКА  
КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА ИЗМЕЛЬЧАЮЩЕГО СТЕБЛИ  
ХЛОПЧАТНИКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/T1667.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

Научный руководитель:	Худаяров Бердирасул Мирзаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тухтакузиев Абдусалим доктор технических наук, профессор Худаяров Анвар Назиржанович кандидат технических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «23» июня 2021 г. в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 170). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «14» июня 2021 года  
(Протокол рассылки № 57 от 15.03 2021 года)



**Б.С. Мирзаев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**У.Т. Кузиев**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, PhD., доцент

**А.А. Ахметов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом сельском хозяйстве создание и внедрение высокоэффективных технологий и оборудования, направленных на повышение плодородия почв, играет ведущую роль. С учетом внедрения минимальных и нулевых технологий защиты почв и их технических средств, на площади 886,3 млн. га во всем мире из которых на 34,6% площадей на гектар<sup>1</sup>, возделываются сельскохозяйственные культуры, с развитием передовых технологий и современных приемов измельчения стеблей хлопчатника и формированием новых гребней и борозд за один проход хлопкового поля - одна из важных задач. В связи с этим большое внимание уделяется использованию эффективных технологий, повышающих экономию ресурсов при измельчении стеблей хлопчатника.

Во всем мире ведутся исследования по разработке новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий измельчения стеблей хлопчатника и технических средств для их использования в качестве органических удобрений. В этом направлении важно создание эффективных средств измельчения, в том числе укладка стеблей хлопчатника по ходу движения агрегата без их отрыва, обоснование технологических процессов, обеспечение ресурсоэффективности его взаимодействия со стеблями хлопчатника и почвой. В связи с этим необходимо создание агрегата с простой конструкцией рабочей части, который не вырывая стебли хлопчатника раздавливает и измельчает их на месте.

В сельскохозяйственном производстве республики принимаются широкомасштабные меры по экономии ресурсов, выращиванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий, развитию высокопроизводительной сельскохозяйственной техники, и достигаются определенные результаты. Модернизация и ускоренное развитие сельского хозяйства, одного из важнейших секторов нашей экономики, является частью «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», согласно Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «Внедрение интенсивных методов в сфере сельскохозяйственного производства, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, широкое использование высокопроизводительной сельхозтехники»<sup>2</sup> определены важные задачи. При выполнении этих задач, является в том числе разработка измельчающего устройства стеблей хлопчатника на месте без вырывания стебля.

Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4410 от 31 июля 2019 г. «О мерах по ускорению развития сельхозтехники, государственной поддержке аграрного сектора сельхозтехникой» от 28 января 2020 г. № ПП-4575 «О мерах по реализации задач, поставленных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы в 2020 году»,

<sup>1</sup> <https://www.zerno-ua.com/>

